



Узбекистон Республикаси Олий Таълим, Фан ва Инновацандар  
Вазирлиги

“Тошкент Ирригация ва Қишлоқ Хўжалигини Механизациялаш  
Муҳандислари Институти” МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ  
УНИВЕРСИТЕТИ

“Давлат кадастрлари” кафедраси

Катта ўқитувчи АШУРОВ АБДУЛЛО ФАЙЗУЛЛОЕВИЧНИНГ

“Давлат шаҳарсозлик кадастри” фанидан

7 – Мавзу: “Ўзбекистон Республикаси худудларини кадастр бўйича  
бўлиш тартиби” мавзуси бўйича

ДАРС

# ТАКДИМОТИ



Тошкент-2023





2017 йил 10-декабр Ўзбекистон  
Республикаси Президенти  
Шавкат Мирзиёевнинг Қишлоқ  
хўжалиги ходимлари кунига  
бағишланган тантанали мар-  
осимдаги нутқидан

**ҳар қарич ер – давлатнинг,  
демакки, ҳалқимизнинг бебаҳо  
бойлиги ҳисобланади.** Ундан  
ноқонуний, ўзбошимчалик билан  
фойдаланишга ҳеч кимнинг ҳаққи  
йўқ

**Мавзу:“Ўзбекистон Республикаси ҳудудларини  
кадастр бўйича бўлиш хамда ер участкалари, бинолар  
ва иншиоотларнинг кадастр рақамларини  
шакллантириш тартиби”.**

## **РЕЖА:**

**Кириш.**

**Асосий қисм.**

**1**

*Ер участкалари бинолар ва иншиоотларни ҳисобга олиш ҳамда,  
уларга эгалик қилиши хуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш  
тизимини таомиллаштириши мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг қарори.*

**2**

*Ўзбекистон Республикаси ҳудудларини кадастр бўйича бўлиш  
таркиби ва принциплари.*

**3**

*Ер участкаси, бино, иншиоот кадастр рақамининг таркиби ва  
уларни шакллантириши тартиби.*

**Хуносা.**

**Фойдаланилган адабиётлар.**

Аввало биз давлат шаҳарсозлик кадастри деганда ишлатиладиган **”кадастр”** сўзининг маъносини билиб олишимиз зарур **”кадастр”** сўзи бази бир манбаларда франсуз тилидаги **”kadastre”** сўзидан олинган бўлиб, **”рўйхатга олиш”** деган маънони англатади дейилса, бошқа манбаларда лотин тилидаги **”такдим этилган жиҳозларни рўйхатга олиш”** маъносини англатувчи **”capitastrum”** сўзидан олинган дейилади, бошқа манбаларда эса **”кадастр”** атамаси бизларга Рим хукумдори Август замонасидан мерос қолган деган фикрлар мавжуд. Ўша даврларда ўtkазилган “ер тўғрисидаги хужжатларни йиғиш ва аҳоли сонини рўйхатга олиш ишлари”ни англатувчи **”Capitum registrum”** сўзларининг бирлашувидан хосил бўлган деган маълумотлар мавжуд. Демак хулоса қилиб айтиш мумкинки **”кадастр“** сўзи бу **”рўйхатга олиш ”** деган маънони билдиради десак муболаға бўлмайди .

*Ер участкалари бинолар ва инишоотларни ҳисобга олиши ҳамда, уларга  
эгалик қилиши хукуқини давлат рўйхатидан ўтказиши тизимини  
такомиллаштириши мақсадида Вазирлар Махкамаси қарор қиласди:*

**1.Ўзбекистон Республикаси худудларини кадастр бўйича бўлиш ҳамда, ер  
участкалари, бинолар ва инишоотларнинг кадастр рақамларини  
шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқлансан.**



**2.Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Махкамасининг 1998 йил 21 январдаги 35-сон қарори билан  
тасдиқланган схема бўйича берилган кадастр рақамлари хақиқий деб  
хисобланади вакўумас мулк бўйича операцияларнинг амалга  
оширилишига кўра янги рақамлар билан алмаштириб борилади.**

3.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг  
“Жисмоний шахсларга мулк хуқуқида тегишли бўлган  
бинолар ва иншоотлар бўйича рўйхатга олиш –  
баҳолаш ишларини амалга ошириш тўғрисида “1998 йил  
21 январдаги 35-сон қарорининг 1 – банди ўз кучини  
йўқотган деб ҳисоблансин.

4.Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш  
Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари  
В.Ю.Атаев ва Т.Холтоев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудларини кадастр бўйича бўлиш  
ҳамда ер участкалари, бинолар ва иншоотларнинг кадастр  
рақамларини шакллантириш тартиби тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудларини кадастр  
бўйича бўлиш ҳамда ер участкалари, бинолар ва  
иншоотларнинг кадастр рақамларини шакллантириш  
Вазирлар Махкамасининг 2001 йил 31 декабрдаги  
492-сонли қарори билан тасдиқлан низомга асосан  
амалга оширилади



## **Ўзбекистон Республикаси ҳудудларини кадастр бўйича бўлиш тартиби ва принциплари.**

**1.Ўзбекистон Республикаси ҳудудларини кадастр бўйича бўлиш кўчмас мулкни хисобга олишнинг ягона тизимини яратиш ҳамда ер участкалари, бинолар, иншоотларга кадастр рақамларини бериш мақсадида амлага оширилади.**



**Кадастр бўйича бўлиш ва кадастр рақами бериш тизими кўчмас мулкни хисобга олишнинг ягона тизимида ҳар қандай ер, участкалари, бинолар ва иншоотларни бир хилда идентификациялашни таъминлаши керак.**

**2.Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шахри, туманлар, вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар, кадастр зоналари, кадастр массивлари, кадастр мавзелари, ер участкалари Ўзбекистон Республикаси ҳудудларини кадастр бўйича бўлиш бирликлари ҳисобланади.**

**3.Минтақалар, туманлар ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар даражасида кадастр бўйича бўлиш чегаралари маъмурий бўлинини чегараларига тўғри келади. Тегишли равишда маъмурий туман (вилоятга бўйсунувчи шаҳар) ҳудуди кадастр зоналарига бўлинади.**

Маъмурий туман ҳудудини бўлишда - қишлоқлар овуллар ва туманга бўйсунувчи шаҳарлар (шаҳарчалар); вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар ҳудудини бўлишда - шаҳар туманлари (мавжуд бўлса,) ёки турли (табиий, иморатнинг қурилиши хусусияти, фойдаланиш мақсади каби) белгилари бўйича ажралиб турадиган шаҳарлар қисмлари, масалан: саноат зонаси, турар жой массивлари, боғ ва дам олиш зоналари кабилар кадастр зоналари сифатида қабул қилинади.

Кадастр зоналари чегаралари кадастр массивларининг ташқи чегаралари – тегишли геодезия координатлариiga эга бўлган чегара бурилишининг биркитилган нуқталари буйлаб ёки табиий чегаралар (дарёлар, темир йўллар, магистрал каналлар, коллекторлар, бошқа мунтазам объектлар) буйлаб ўтиши керак. Кадастр зоналари маъмурий туман ёки шаҳар худудини узилишларсиз ва кесиб ўтишувларсиз қоплаши керак.

#### 4. Кадастр зонаси худуди кадастр массивлариiga бўлинади.

Қишлоқ, овул кадастр зонаси хисобланган ҳолларда қишлоқ ахоли пунктлари, қишлоқ хўжалиги мақсадидаги ва бошқа мақсаддаги ер массивлари кадастр массивлари сифатида қабул қилинади.



Туман бўйсунишидаги шаҳар (шаҳарча), шаҳар тумани ёки шаҳарнинг бир қисми кадастр зонаси ҳисобланган ҳолларда маҳалла кадастр массивлари сифатида қабул қилинади, бунда кадастр массивлари чегараси кадастр мавзеларининг ташқи чегаралари буйлаб ўтиши ва аҳоли пунктларининг кўчалари ёки ташқи чегаралари билан мос келиши керак. Кадастр массив-лари кадастр зонаси худудини узилишларсиз ва кесиб ўтишувларсиз коплаши керак.

**5. Кадастр массиви худуди кадастр мавзеларига бўлинади.**  
Қишлоқ аҳоли пункти ёки маҳалла кадастр массиви ҳисобланган ҳолларда шаклланган режалаштириш, иморатларнинг қизил чизиқлари, мавжуд мунтазам обьектлар (кўчалар, йўллар, дарёлар, сув оқимлари, кўтарма кўприклар ва бошқалар), бошқа табиий чегаралар ҳисобга олинган ҳолда ҳар хил белгилар (табиий, иморатнинг қурилиши хусусияти, фойдаланиш мақсади ва ҳоказолар) бўйича ажралиб турадиган ер участкалари-ning жами сифатида қабул қилинади.


Қишлоқ хұжалиги мақсадидаги ва бошқа мақсаддаги ер массиви ҳисобланған ҳолларда боғдорчилік-узумчилик ёки полизчилик массиви, қишлоқ хұжалиги корхонаси ёки бошқа корхона ва йирик объектлар кадастр мавзеси сифатида қабул қилинади.

Кадастр мавзелари кадастр массиви худудини узилишларсиз ва кесиб үтишувларсиз қоплаши керак.



## **6. Ер участкалари кадастр бўйича бўлишнинг ва ер ажратиши тартибида ажратилган ери ҳисобга олишнинг бирламчи бирлиги ҳисобланади.**

**Муайян юридик ва жисмоний шахсларга бириткирилмаган умумий фойдаланиладиган кўчалар, майдонлар, кўкаламзорлаштирилган зоналар, ёдгорлик комплекслари, қабристонлар, шаҳар ахлатхоналари, шаҳар қурилиши учун ажратиладиган захира ерлар ва бошқа ерларга бўлинадиган кадастр бўйича ҳисобга олиш участкалари ери кадастр буйича булиш ва ҳисобга олиш бирлиги ҳисобланади.**



**7. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманлар (шаҳар туманларидан ташқари) доира-сида худудларни кадастр буйича бўлиш мазкур Низомга мувофиқ ер ресурслари бошқармалари томонидан, шахарлар ва ахоли пунктлари доира-сида - Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шахар кўмас мулк кадастри хизматлари томонидан ўтказилади.**

**8. Кадастр буйича бўлиш ҳужжатлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шахар хокимликлари томонидан тасдиқланади.**



Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта Махсус Таълим Вазирлиги

Тошкент Ирригация ва Қишлоқ Хўжалигини Механизациялаш  
Муҳандислари Институти

“Давлат кадастрлари” кафедраси

Катта ўқитувчи АШУРОВ АБДУЛЛО ФАЙЗУЛЛОЕВИЧНИНГ

“Давлат шаҳарсозлик кадастри” фанидан

**7-Мавзу: “Ер участкаси, бино, инишот кадастр  
ракамининг таркиби ва уларни шакллантириш  
тартиби” бўйича**

ДАРС

# ТАКДИМОТИ



Тошкент-2020




## *Ер участкаси, бино, иншоот кадастр рақами- нинг таркиби ва уларни шакллантириши тартиби*

9. Ер участкалари, бинолар ва иншоотларни Ўзбекистон Республикасида идентификациялаш тизими ягона принцип буйича қурилади, унга ер участкасининг кадастр рақами асос килиб олинган.

Кадастр  
рақами

Ер участкаси, бино, иншоотга тегишли Ўзбекистон Республикаси ҳудудида такорорланмай-диган рақамдир, у қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда уни шакллантиришда берилади ва у рўйхатдан ўтказилган ҳукуқи-нинг ягона объекти сифатида мавжуд бўлгу-нига қадар сакланиб қолади.



10. Кадастр бўйича  
рақамлаш тизими ер  
участкалари, бинолар ва  
иншоотларнинг кадастр  
рақамларининг  
идентификациялаш ва  
хисобга олишнинг ягона  
тизимига интеграция  
қилинади.

**11. Қуйидагилар ер участкаси,  
бино, иншоот кадаст  
рақамиининг мажбурий  
элементларини ташкил этади:**

- минтақа  
(Корақалпоғисто  
н Республикаси,  
вилоятлар ва  
Тошкент  
шахри)нинг  
рақами

- минтақа  
таркибидағи  
маъмурый туман  
ёки вилоят  
бўйсунишидаги  
шаҳарнинг рақами

- кадастр зонаси  
рақами

- бино, иншоот  
бир қисмининг  
рақами

- кадастр  
массиви  
рақами


- бино,  
иншоотнинг  
рақами

- ер участкаси  
рақами

- кадастр  
мавзеси рақами

12.Кадастр раками қуидаги тузилмага эга.

“ШАЖАРА ДАРАХТИ” методи.



АА

минтақанинг рақами (коди)ни билдирувчи икки разрядли ўнли сон;

ВВ

минтақа таркибидаги маъмурий-ҳудудий тузилма (маъмурий туман, вилоят бўйсунишидаги шаҳар)нинг рақами (коди)ни билдирувчи икки разрядли ўнли сон;

СС

кадастр зонаси рақами (коди)ни билдирувчи икки разрядли ўнли сон;

ДД

кадастр зонаси таркибидаги кадастр массиви рақами (коди)ни билдирувчи икки разрядли ўнли сон;

ЕЕ

кадастр массиви доирасида кадастр мавзеси рақами (коди)ни билдирувчи икки разрядли ўнли сон;

FFFF

кадастр мавзеси доирасида ер участкаси рақами (коди)ни билдирувчи турт разрядли ўнли сон;

GGGG

ер участкаси доирасида бино, иншоот разами (коди)ни билдирувчи турт разрядли ўнли сон;

ННН

бино, иншоотлар, бир қисми рақами (коди)ни билдирувчи уч разядли ўнли сон.

**13. Кадастр зоналари, массивлари ва мавзеларини кадастр бўйича бўлиш ва шакллантириш вақтида уларнинг чегаралари, одатда, шаҳарлар, шаҳар туманлари, қишлоқлар, овулларнинг маъмурий чегараларига тўғри келади. Кейинчалик, маъмурий чегаралар ўзгарганда, кадастр бўйича бўлинниш схемасига тегишли ўзгартиришлар киритилади.**



**14. Ер участкасининг кадастр рақамини шакллантириш ер участкаси кўчмас мулк обьекти сифатида шакллантирилган ва унинг чегаралари туман (шаҳар) навбатчи индексли кадастр харитаси (режаси)га киритилганидан кейин бошланади.**

**15. Ер участкалариға кадастр рақамлари бериш ер участкалариға әгалик килиш хуқуқлари давлат рўйхатидан шахар ва шахарчаларда ўтказилган ҳолларда - кўчмас мулк кадастри хизматлари томонидан, Ўзбекистон Республикасининг қолган ҳудудлари бўйича - ер ресурслари туман хизматлари томонидан амалга оширилади.**

**Нотураржой бинолар ва иншоотларга, бинолар, иншоотларнинг бир қисмига кадастр рақамлари мазкур объект, ерга әгалик килиш хуқуқларини кўчмас мулк кадастри хизматлари томонидан давлат рўйхатидан ўтказиш вақтида берилади.**

**Туар жой бинолари ва иншоотларга, бинолар, иншоотларнинг бир қисмига кадастр рақамлари тегишли ер участкалариға берилган кадастр рақамлариға асосан, мазкур объектларга әгалик килиш хуқуқлари кадастр техник рўйхатга олиш бюоролари томонидан давлат рўйхатидан ўтказиш вақтида берилади.**

## Бино, иншоотнинг бир қисми

бино, иншоотнинг муайян сатхда жойлашган, асосий бино, иншоотдан фарқланувчи ҳуқуқий мақомга (хонадон, бино ёки бино, иншоотнинг бошқа алоҳида қисми) эга бўлган алоҳида қисми ҳисобланади.



**16. Бино, иншоотнинг кадастр рақами бинолар ва иншоотларнинг ер участкаси чегарасидаги навбатдаги тартиб рақами сифатида шакллантирилади.**

**17. Бино, иншоотлар бир қисмининг кадастр рақами асосий бино, иншоот чегарасидаги навбатдаги тартиб рақами сифатида шакллантирилади.**

**18. Янгидан суратга олиш (тузатишлар киритиш), рўйхатга олиш, янги кадастр харита (режа)ларини тайёрлаш вақтида ер участкаси, бино ва иншоотнинг (уларнинг бир қисмидан ташқари) кадастр рақамини ташкил этувчи мажбурий элементлари ўзгартирилмайди.**

**19. Ер участкасига, бино, иншоотга эгалик қилиш ҳуқуқларининг бошқа қонуний ҳуқуқ эгасига ўтиши ва (ёки) ҳуқуқ турининг ўзгаришини давлат рўйхатидан ўтказиш вақтида мазкур ер участкаси, бино, иншоотнинг кадастстр рақами ўзгартирилмайди.**



**Ер участкалари билан, мавжуд чегараларнинг ўзгариши ва янги участка (лар)нинг шакллантирилиши билан БОҒЛИҚ, равишда мазкур участкани бўлиш ёки унинг бошқа(лари)си билан қўшилиб кетишини келтириб чиқарувчи операцияларни амалга ошириш вақтида уларга белгиланган тартибда янги кадастр рақамлари берилади.**

**Илгари берилган кадастр рақамлари йўқотилган хисобланади ва улардан қайта фойдаланилиши мумкин эмас.**

# **ХУЛОСА**

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, ҳар қандай давлатни барқарорлиги ва гуллаб яшнашининг бош манбай бу *ер ресурслари*дир.

Ўзбекистон учун, бозор иқтисоди тикланаётган хозирги даврда, давлат мулки бўлмиш ер мулкчилигини бошка кўринишларга, жумладан хусусий мулкчиликка айлантиришнинг иқтисодий ва хукуқий асосларда амалга ошира оладиган унумли ердан фойдаланишнинг тизимини яратиш ,жуда муҳим ахамиятга эга.

Шу мақсадда Республиқада ердан фойдаланишнинг хозирги замон талабларига жавоб берса оладиган принципиал янги тизимини яратилиб, у нафақат давлат томонидан, ббалки бозор талабларини ва ерга бўлган мулкчилик хамда, хўжалик юритишни бир неча хил мулк шакллардан бўлишини хисобга олмоғи лозим .

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.



1. Ўзбекистон Республикасининг қонуни “Давлат ер кадастри тўгрисида, Ўзбекистон Республикасининг янги қонуслари 19-жилд, Т.:Адолат,1998”.
2. Ўзбекистон Республикаси худудларини кадастр бўйича бўлиш хамда ер участкалари ,бинолар ва инишоотларнинг кадастр рақамларини шакллантириши тартиби тўгрисидаги НИЗОМ.



ЭВТИБОРИНГИЗ РАХМАТ. УЧУН